

**БАХТСИЗ ҲОДИСАЛАРГА САБАБ БЎЛУВЧИ ЗАРАРЛИ ВА
ХАВФЛИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИ
ТАЪСИРИДАН ҲИМОЯЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ**

Қобулова Нилуфархон Жалиловна

Андижон машинасозлик институти “Меҳнат муҳофазаси” кафедраси
достенти

***Аннотатсия:** Мақолада ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлувчи омиллар келтирилган ва уларни олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўриши зарурлиги ёритилган.*

***Калим сўзлар:** меҳнат, хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари, хавфли физик омиллари, зарарли физик омиллари, хавфли ва зарарли кимёвий омиллари, хавфли ва зарарли психо-физиологик омиллар, хавфли ва зарарли биологик омиллар*

**HARMFUL AND DANGEROUS WORKING FACTORS THAT CAUSE
ACCIDENTS AND WAYS OF PROTECTION AGAINST THEIR EFFECTS**

Qabulova Nilufarkhan Jalilovna

Docent of the "Labor Protection" department of the Andijan Mechanical
Engineering Institute

***Abstract:** The article presents the factors that cause accidents in production and what measures should be taken to prevent them.*

***Key words:** work, dangerous and harmful production factors, dangerous physical factors, harmful physical factors, dangerous and harmful chemical factors, dangerous and harmful psycho-physiological factors, dangerous and harmful biological factors*

Давлат меҳнат инспекциясини берган маълумотларига кўра, 2020 йилда ишлаб чиқариш жараёнларида бахтсиз ҳодисалар сони 607 тани

ташқил этган, бу еса 2019 йилга нисбатан 107 тага кўпайганлигини кўрсатди. Турли сабаблар оқибатида 693 нафар ходим жабрланган, шундан, 201 нафари халок бўлган, 457 нафари оғир ва 35 нафари енгил тан жароҳат олган. Ташкилот ва муассасаларда 2021 йилда аниқланган ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар жами 203 тани ташқил этган, улардан 59 таси оқибати ўлим билан тугаган, 113 таси оқибати оғир ҳамда 31 таси оқибати енгил бахтсиз ҳодисалар бўлиб, шулардан 19 таси гуруҳийни ташқил этган [1].



1-расм. Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар

1-расмдаги статистик маълумотлар шунини кўрсатмоқдаки, ишлаб чиқаришнинг одамга таъсир этадиган шундай хавфли ва зарарли омиллари борки, уларга жиддий эътибор қаратиш зарур.

Зарарли ишлаб чиқариш омиллари (ЗИО) ишлаётган одамга таъсир этиб, унинг ишлаш қобилиятини пасайтиради, сурункали касб касаллигини келтириб чиқариши мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг хавфли ишлаб чиқариш омиллари (ХИО) эса одамни жароҳатлайди ёки соғлиғига кескин таъсир этади (ўткир касалланиш рўй беради) [2]. ГОСТ 12.0.003-74 «ССБТ. Хавфли ва зарарли ишлаб чиқариш омиллари. Таснифи»га кўра, бу хавфлар тўрт гуруҳга бўлинади: физик, кимёвий, биологик ва психофизиологик.

Ишлаб чиқаришнинг хавфли физик омиллари: ҳаракатдаги машина ва механизмлар; кўтариш-ташиш ускуналари ва юкларни ҳаракатлантирувчи ускуналар; ишлаб чиқариш ускуналарининг тўсиксиз элементлари (юритувчи ва узатувчи механизмлар, қирқувчи асбоблар, айланадиган ва суриладиган мосламалар ва шу кабилар); ишлов берилаётган материалдан ва асбобдан сачраб чиқувчи зарралар, электр токи, ишлов бераётганда ҳосил бўладиган катта ҳарорат ва бошқалар.

Ишлаб чиқаришнинг зарарли физик омиллари: ишчи зона ҳавосининг ошиб ёки пасайиб кетган ҳарорати; ҳавонинг юқори намлиги ва тезлиги; шовқин, титраш, ултратовуш ва турли нурланишлар; иссиқлик, ионловчи, электромагнит, инфрақизил ва бошқалар даражасининг ортиб кетиши; иш зонаси ҳавосининг чанглилиги ва зарарли газлари; иш жойи, юриш йўллари етарлича ёритилмаганлиги; ёруғликнинг ортиқча ёрқинлиги ва нур оқимининг пулсатсияланиши.

Ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли кимёвий омиллари: одам организмига таъсирга қараб қуйидаги гуруҳларга бўлинади: умум заҳарловчи, кўзғатувчи, сенсбилли (аллергик касалларни келтириб чиқарувчи) , кансероген (шиш пайдо қилувчи) мутагенли (организмнинг ирсиятига таъсир этувчи) ва насл қолдириш қобилиятига таъсир этувчи. Бу гуруҳга агрессив сууюқликлар (кислоталар, ишқорлар) киради; улар терини куйдиради.

Ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли биологик омилларига микроорганизмлар (бактериялар, вируслар ва бошқалар) макроорганизмлар (ўсимликлар ва ҳайвонлар) киради; улар одамга жароҳат етказиш ёки уни касал қилиши мумкин.

Ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли психо-физиологик омилларига жисмоний зўриқиш (статик ва динамик), асаб-психик зўриқиш (ақлий зўриқиш, эшитиш, кўриш аъзоларининг чарчаши) киради.

Ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари ўртасида маълум боғланиш мавжуд. Кўп ҳолатларда зарарли омиллар хавфлисини

келтириб чиқаради. Масалан: ишлаб чиқариш биносидаги ҳавонинг ўта намлиги ва ток ўтказувчи чангнинг борлиги (булар – зарарли омиллар) одамни ток уриш хавфини (хавфли омил) кучайтиради. ЗИО нинг ишловчиларга таъсир даражаси чегаравий-рухсат этилган (жоиз) қийматлар билан меъёрланган, улар меҳнат муҳофазаси стандартларида ва санитария-гигиена қоидаларида кўрсатилган [3]. ЗИОнинг чегаравий жоиз қиймати ГОСТ 12.1.005-88 «ССБТ. Иш ҳудуди хавосига қўйиладиган умумий санитария-гигиена талаблари» да кўрсатилган бўлиб, у ҳар куни, маълум муддат таъсир этганида, одамнинг бутун меҳнат стажи давомида иш қобилиятини пасайтирмаслиги ва касаллик келтириб чиқармаслиги керак, кейинги ҳаёти давомида ҳам касал қилмаслиги, наслининг соғлиғида асорат қолдирмаслиги керак.

Ишлаб чиқаришда хавфсиз ва зарарсиз меҳнат шароитларини яратишнинг асосий йўллари мос технологияни, иш тартибини, ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланишни, қулай иш шароитларини, хом ашёларни, ярим маҳсулотларни, иш ўринларини ташкил қилишни ва жиҳозлардан, ҳимоя воситаларидан оқилона фойдаланиш, хавфсизлик талабларини бажариш, касбига қараб танлов ўтказиш ва ишчиларни ўқитиш, техник-меъёрий ҳужжатларга хавфсизлик воситаларини киритиш билан таъминланади. Технологик жараёнлани лойиҳалаш, ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизлик талаблари олдиндан назарда тутилмоғи шарт. Бунинг учун ишлаб чиқаришда зарарли таъсирларнинг олдини олиш, ишдаги операция ва жараёнларни ўзгартириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ҳам да унда масофадан туриб бошқаришни қўллаш, гиподинамияга эътибор бериш, ишни оқилона ташкил этиш шу билан бир қаторда оғир меҳнатни чегаралашни ҳам ҳисобга олиш керак. Шунингдек, ўз вақтида ишлаб чиқариш хавфсизликлари то'ғ'рисидаги маълумотни, жараённи бошқариш ва назорат қилиш тизимини, о ўз вақтида чиқиндиларни зарарлантириш, чиқариб ташлашга хавф ва зарар туг'дирувчи манбаларга алоҳида э'тибор қаратиш керак. Иш хоналари, қурилиш меъёри ва қоидаларига (ҚМ ва Қ) мос

келиши керак, хоналар ва иш жойларида хавfli ва зарарли таъсирлар даражаси меъёрий кўрсаткичлардан юқори бўлмаслиги шарт. Ишлаб чиқариш майдонлари ҚМ ва Қ талабларига ва давлат назорат ташкилотлари тасдиқлаган қоидаларга жавоб бериши зарур. Ишлаб чиқариш жиҳозлари ГОСТ 12.2.003-74 га, ҚМ ва Қ ва технологик лойиҳалаш меъёрига мос келиши ҳамда иш жойлари етарли ҳолда ёритилган бўлиши шарт. Эргономик талабларга риоя қилган ҳолда ускуналарни жойлаштириш лозим.

Хулоса қилиб айтганда, юқорида келтирилганлардан ташқари, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга ва инсонлар ҳаётининг барча соҳаларига жорий этиш асосида қўл меҳнатини машина меҳнатига айлантириш, енгиллаштириш, машинани машина билан яратиш, меҳнатнинг мазмуни ва характерини ўзгартириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Qobulova N. J., Abdurahmonov A., Musaev M. Mahkmudov Sh.(2022) //DEVELOPMENT OF SAFE TECHNOLOGY OF FUEL BRIQUETTES BASED ON FOOD AND AGRICULTURAL ORGANIC WASTE. Экономика и социум,(2-2 (93)). – С. 312-315.

2. Mentges G. Textile legacies in motion. Introductory remarks //Modernity of Tradition: Uzbek Textile Culture Today. – 2013. – С. 7.

3. Qobulova N. J. et al. DEVELOPMENT OF SAFE TECHNOLOGY OF FUEL BRIQUETTES BASED ON FOOD AND AGRICULTURAL ORGANIC WASTE //Экономика и социум. – 2022. – №. 2-2 (93). – С. 312-315.

4. АРИПДЖАНОВА Д. У., КАБУЛОВА Н. Ж. ОСНОВНЫЕ ХУДОЖЕСТВЕННО-КОНСТРУКТИВНЫЕ ПРИЗНАКИ ПРОЕКТИРОВАНИЯ ЖЕНСКОЙ ВЕРХНЕЙ ОДЕЖДЫ //Современные наукоемкие технологии и перспективные материалы текстильной и легкой промышленности (Прогресс): сборник материалов международной научно-технической конференции (см. в книгах). – Федеральное государственное образовательное учреждение высшего профессионального образования"

Ивановская государственная текстильная академия", 2013. – №. 1. – С. 131-132.

5. АРИПДЖАНОВА Д. У., БОБОТОВ У. А., КАБУЛОВА Н. Ж. ХАРАКТЕРИСТИКА НАЦИОНАЛЬНЫХ АБРОВЫХ ТКАНЕЙ //Современные наукоемкие технологии и перспективные материалы текстильной и легкой промышленности (Прогресс): сборник материалов международной научно-технической конференции (см. в книгах). – Федеральное государственное образовательное учреждение высшего профессионального образования" Ивановская государственная текстильная академия", 2013. – №. 1. – С. 111-113.

6. Jalilovna Q. N. ANNOTATED REVIEW OF" THE EFFECTIVENESS OF PREVENTIVE MEASURES TO REDUCE INJURIES AND OCCUPATIONAL DISEASES IN PRODUCTION" //Mexatronika va robototexnika: muammolar va rivojlantirish istiqbollari. – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 130-140.

7. Jalilovna Q. N. et al. Causes of Fire in High-Storey Buildings and Measures. – 2023.

8. Kobulova N. The men's national cloth: consumer preferences in Andizhan and Namangan regions //BIO Web of Conferences. – EDP Sciences, 2023. – Т. 65. – С. 10014.

9. Akbaralievich A. M., Jalilovna Q. N. PILLA SIFATI VA NOSILDORLIGINI OSHIRISHDA BIOFIZIK TUTQICH VA HAVO TEMPERATURASINI AHAMIYATI //Science and innovation. – 2023. – Т. 2. – №. Special Issue 6. – С. 1113-1119.

10. Mentges G., Shamukhitdinova L. Istanbul Markets //Textiles as National Heritage: Identities, Politics and Material Culture. – 2017. – С. 229.

11. Кобулова Н. Ж., Нарзиев Ш. М. Ходимларнинг Меҳнатини Муҳофаза Қилиш Самарадорлигини Ошириш Йўллари //Здравствуйте, уважаемые участники международной научной и научно-технической конференции, дорогие гости. – 2021. – С. 485.